

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ЖАҲОНГИР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ЭПИХЛОРИДРИН БИЛАН ГЕТЕРОҲАЛҚАЛИ БИРИКМАЛАР
АСОСИДА ДЕПРЕССАНТ ПРИСАДКАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.08 – Нефт ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2023

**Техника фанлар бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Саидов Жаҳонгир Эгамбердиевич

Эпихлоргидрин билан гетероҳалқали бирикмалар асосида депрессант
присадкалар олиш технологияси.....3

Саидов Жаҳонгир Эгамбердиевич

Технология получения депрессорной присадки на основе эпихлоргидрина и
гетероциклических соединений.....21

Saidov Jakhongir

Technology for obtaining a pour point depressant based on epichlorohydrin and
heterocyclic compound.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВ ЖАҲОНГИР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ЭПИХЛОРИДРИН БИЛАН ГЕТЕРОҲАЛҚАЛИ БИРИКМАЛАР
АСОСИДА ДЕПРЕССАНТ ПРИСАДКАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.08 – Нефт ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/T1512 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифада (www.bmti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Ўринов Улугбек Комилжонович техника фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Абдурахмонов Олим Рустамович техника фанлари доктори, профессор Азимова Шодияхон Аббаровна техника фанлари фалсафа доктори, PhD |
| Етакчи ташкилот: | “O‘ZLITINEFTGAZ” АЖ |

Диссертация химояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги DSc. 03/28.02.2022.T.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «13» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 15-уй. Тел.: (+99865)223-78-84, факс: (+99865)244-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (421 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 15-уй. Тел.: (+99865)223-78-84).

Диссертация автореферати 2023 йил «01» март куни таркатилди.
(2023 йил «12» январдаги №2 рақамли реестр баённомаси).



Н.Р. Баракаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Р.Р. Хайитов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби т.ф.д., кат.ил.ход.

Х.Б. Дўстов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда мотор ёқилғиси ва унинг сифатига бўлган талабнинг доимий ошиши ҳамда экологик талабларнинг тобора қатъийлашиб бориши, нефт ва газ саноатини такомиллаштириш, техник-технологик қайта жиҳозлаш ва модернизациялашни тақозо қилмоқда. Ёқилғи-мойлаш материалларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг сифатини ошириш ва ресурсларини кенгайтириш замонавий нефтни қайта ишлаш ва нефт-кимё саноатининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, нефтдан олинадиган ёқилғи маҳсулотларининг сифатини ошириш, шунингдек экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилашда присадкаларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда нефтни бирламчи ва иккиламчи чуқур қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, муқобил ва синтетик ёқилғилар олишнинг янги усуллари, технологияларини яратиш, экологик талабларга мослигини таъминлаш мақсадида турли таркибли присадка ва уларнинг композицияларини ишлаб чиқариш, мавжуд технологияларини модернизация қилиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада мавжуд иккиламчи хошашё манбаларидан фойдаланиб, дизел ёқилғиларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини яхшиловчи присадкалар ишлаб чиқариш жараёнларининг замонавий, юқори самарали усули ва қурилмаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда ёқилғиларнинг сифатини яхшиловчи присадкалар олиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Дизел ёқилғисининг эксплуатацион хоссаларини яхшиловчи, самарадорлиги юқори бўлган присадкалар олиш, уларнинг янги таркибларини яратиш ва илмий-технологик асосини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “иктисодий инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш”¹ каби вазифалари белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан автомобил транспортини сифатли ёқилғи билан таъминлаш мақсадида юртимизда ишлаб чиқарилаётган дизел ёқилғиларининг сифатини EURO-5 экологик стандартлари талабларига қадар яхшилаш ва ёқилғининг экологик-эксплуатацион хоссаларини яхшиловчи, импорт ўрнини босувчи присадкаларни маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони

стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614-сонли «2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш негизда экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дизел ёқилғиларнинг физик-кимёвий хоссаларини яхшиловчи присадкалар олиш бўйича дунёда Willem Van Dam, Wai Yin Leung, Jacqueline Reid, Mathieu Arondel, Thomas Dubois, Allan Rae, Jurgen Roder, Xuefan Gu, Yongfei Li, Jiao Yan, Ya Wu, Jean Michel Martin, Cristine Matta, В.М.Капустин, Т.Н.Митусова, А.М.Данилов, Р.А.Тертерян, С.Т.Башкатова, И.Н.Гришина, Е.А.Буров, Е.В.Кашин, Е.Н.Кабанова, Ю.Б.Егоркина, М.А.Копытов, С.В.Чичканов, А.Г.Ақтов, С.Г.Агаев, А.М.Глазунов, М.К.Аммосов, Е.Л.Иовлева, М.М.Лобашова, М.В.Калинина, К.Ю.Симанская, А.В.Камешков, А.М.Кулиев Фарзалиев В.М ва бошқалар, мамлакатимизда эса С.М.Туробжонов, А.Т.Жалилов, Б.Н.Ҳамидов, Ш.М.Сайдахмедов, Г.Р.Норметова, М.П.Юнусов, С.А.Абдурахимов, О.М.Ёриев, Н.Ёдгоров, О.С.Махсумова, Б.А.Мухамедғалиев, С.Ф.Фозилов каби олимлар томонидан присадкалар кимёсининг назарий масалаларини ўрганиш соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар, дизел ёқилғиларини эксплуатацион хоссаларини яхшиловчи присадкалар синтези, уларнинг таъсир қилиш механизми, присадкаларнинг таркибини, технологияси ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишларини олиб борилган ва муҳим илмий-амалий ютуқларга эришилган.

Аmmo, олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда юртимиздаги мавжуд нефт ва нефт-газ конларидан олинадиган маҳсулотларнинг таркибидаги n-парафин углеводородлар миқдорига қараб синегризм таъсирга эга бўлган сополимер присадкалар синтез қилиш, сополимер таркибида мономер бўғинларнинг моль нисбати дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларига таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Ушбу муаммоларни ечишда юртимизда мавжуд ресурслардан фойдаланиб юқори самарадорлигига эга присадкалар синтез қилиш, улар асосида саноат миқёсида ишлаб чиқариш техника ва технологияларини

жорий этиш, мақбул усулларни назарий ва амалий асослаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг университет ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ ўртасида тузилган № 30/13 “Республиканинг саноат чиқиндиларидан фойдаланилган ҳолда қудуқларни мустаҳкамлаш ва синаш учун енгил бурғилаш ва тампонаж эритмаларининг янги таркибий қисмларини яратиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги хўжалик шартномаси (2020-2022 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшиловчи эпихлоргидрин ва гетероҳалқали бирикмалар асосида присадкалар синтез қилиш ва уларнинг саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эпихлоргидрин ва гетероҳалқали бирикмалар асосида сополимер присадкаларни синтез қилиш;

сополимер унуми ва молекуляр массасига таъсир этувчи турли омилларни (инициатор миқдори, эритувчилар табиати, реакция давомийлиги ва дастлабки мономерларнинг моль нисбати) тадқиқ қилиш;

харорат, мономерларнинг моль нисбати ва инициатор миқдоринининг сополимер ҳосил бўлиш унуми ва молекуляр массасига таъсирининг математик моделини тузиш;

сополимер таркибидаги мономер бўғинларнинг моль нисбатини дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларига таъсир этиш самарадорлигини тадқиқ қилиш;

олинган сополимер присадкаларни дизел ёқилғисига депрессорлик таъсир механизмини ўрганиш;

N-морфолин3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосида олинган присадкалар қўшилган дизел ёқилғисининг физик-кимёвий, эксплуатацион хоссаларига таъсирини давлат стандартларига мувофиқ аниқлаш;

N-морфолин3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосида присадкалар олиш технологик схемасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи дизель ёқилғиси, эпихлоргидрин, метилакрилат, морфолин, стирол ва органик кислоталари олинган.

Тадқиқотнинг предмети дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларинини яхшиловчи присадкалар синтез қилиш, уларнинг седиментацион таъсирини баҳолаш ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларни бажаришда коллоид, физик- кимёвий (ИК, ЯМР, УБ-спектроскопия, оптик микроскопия).

таҳлил усуллари, дизель ёқилғисининг эксплуатацион ва поляризацион хоссалари ҳамда тажрибадан олинган натижалар асосида статистик қайта ишлашнинг математик моделлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосидаги сополимерлар синтези илмий асосланган;

дизел ёқилғиси учун депрессор хусусияти намоён қилувчи присадка олишда сополимерланиш жараёнининг мақбул режими – N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол 1:1 моль нисбатда, ҳарорат 75°C ва вақт давомийлиги 3 соатга тенглиги аниқланган;

сополимер унуми ва молекуляр массасига турли омиллар таъсири орасидаги боғлиқликлар қонуниятини назарий баҳолашнинг математик модели ишлаб чиқилган;

N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосидаги сополимерларнинг дизел ёқилғисига таъсир қилиши илмий асосланган;

дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшиловчи N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосида присадка олишнинг илмий-технологик аспекти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эпихлоргидрин ва гетероҳалқали бирикмалар асосида ишлаб чиқилган оптимал режим асосида депрессорли присадкалар синтез қилинган.

синтез қилинган моддалар дизел ёқилғисининг депрессор хусусиятини ва қуйи ҳароратдаги хоссаларини яхшилаган ҳамда уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари O`z DSt 1134:2018 стандарти талабларига жавоб бериши аниқланган;

олинган присадкалар хориждан импорт қилинадиган присадкалар ўрнида ишлатилиши олинган натижалар асосида исботланган.

дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшиловчи эпихлоргидрин ва гетероҳалқали бирикмалар (морфолин) асосида присадкалар олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аналитик, физик-кимёвий таҳлил, лаборатория тажрибалари, ишлаб чиқариш синовлари натижалари ҳамда депрессорли присадкалар ишлаб чиқаришнинг амалдаги стандарт талаблари бўйича аниқланганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эпихлоргидрин ва гетероҳалқали бирикмалар асосида олинган моддаларнинг унуми ва молекуляр массасига дастлабки хомашёларнинг моль нисбати, ҳарорат, инициатор миқдори таъсирларининг боғлиқлигини ва сополимер таркибидаги функционал гуруҳларнинг дизел ёқилғисида депрессор хусусиятига таъсирини асослаш ва аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти олинган присадкалар дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшиловчи хориждан

импорт ҳисобига олиб келинадиган присадкалар ўрнини боса олиши шунингдек, 0,3 % присадкали дизел ёқилғиси намуналарини атмосферага захарли таъсири реал шароитларда газ анализатори ёрдамида ўрганилганлиги ва олинган натижалар ДЁ двигателлардан чиқувчи захарли газларга қўйилган Евро-5 экологик талабларига жавоб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшиловчи N-морфолин-3-хлоризопропил-акрилат билан стирол ва метакрил кислота асосида депрессор присадкалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган сополимер присадкалар «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (Sanoat Energetika Guruhi (Saneg)нинг 2022 йил 6 сентябрдаги 001/2089-сон маълумотномаси). Натижада, намуна сифатида олинган присадканинг 0,3% ли эритмаси дизел ёқилғисининг қотиш ҳароратини -14 дан -25°C гача, филтрланиш чегаравий ҳароратини -10 дан -23°C гача тушириш имконини берган;

N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат билан стирол ва метакрил кислота асосидаги присадкалар «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» нинг «Амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли режалар рўйхати» га киритилган (Sanoat Energetika Guruhi (Saneg)нинг 2022 йил 6 сентябрдаги 001/2089-сон маълумотномаси). Натижада, O`zDTs 1134:2018 стандарти асосида текширилганда дизел ёқилғисининг физик-кимёвий хоссаларига салбий таъсир этмасдан, фақат қотиш ҳароратини -14 дан -25°C гача пасайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола 2 та хорижий ва 2 та республика илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён


қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Дизель ёқилғисининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини яхшилашнинг замонавий усуллари”** деб номланган биринчи бобида Дизел ёқилғиси ва уларнинг классификацияси ва қўйилган техник талаблар, қишки дизел ёқилғиларнинг физик-кимёвий хоссаларининг тавсифлари, Бутунжаҳон ёқилғи хартияси, ёзги, қишки, арктик дизел ёқилғиларга қўйилган техник талаблар ва уларни жаҳон ва юртимизда ишлаб чиқариш ҳажми, дизел ёқилғиларнинг қўйи ҳароратдаги хоссаларини яхшилашнинг усуллари, дизел фракциясининг охири қайнаш ҳарорати пасайтириш, дизел ёқилғисини димеркаптанланган керосин фракцияси билан аралаштириш, дизел ёқилғисининг қўйи ҳароратли хоссаларини яхшиловчи присадкалар, таркибидаги n-парафинларни углеводородларни экстрактив кристаллаш усули билан ажратиб олиш, каталитик депарафинлаш, каталитик изомерлаш каби замонавий усулларига оид маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили натижалари асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“N-морфолин-3-хлоризопрпилакрилат ва стирол асосида сополимерлар синтези учун реагентларни танлаш ва тадқиқодларни бажариш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида дастлабки моддалар ва уларнинг тавсифи, морфолин ва эпихлоргидрин асосида стирол ва метакрил кислота сополимерини синтез қилиш услубиёти, сополимерларнинг дизел ёқилғисида синов тажрибаларни бажариш, олинган присадкаларни замонавий физик-кимёвий усулларда аниқлаш услубиётлари келтирилган.

Диссертациянинг **“N-морфолин-3-хлоризопрпилакрилат ва стирол асосида сополимер синтезига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг дизель ёқилғисининг қўйи ҳароратли хоссаларига таъсир механизмини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида дастлабки мономерлар аралашмаси таркибини сополимер таркибига таъсирини ўрганиш мақсадида реакция турли моляр нисбатида сомономерлар йиғинди концентрацияси 0,8 моль/л ва инициатор $[ДАК] = 3 \cdot 10^{-3}$ моль/л бўлганда олиб борилди. Сополимерлар таркиби элемент анализ ёрдамида азот миқдорини аниқлаб, мономерларни нисбий фаоллик константаларини сополимер ҳосил бўлиши 6,0-12,0% даражасида эканлиги келтирилган.

N-морфолин-3-хлоризопрпилакрилат (МХИПА) ва стиролни сополимерланиш реакцияси изомой кислотасининг динитрили инициатори, 60-80°C, 100-120 мин ва қутбли ва қутбсиз эритувчиларда олиб борилди ва сополимерланиш реакциясини қўйидаги схема ёрдамида изоҳлаш мумкин:



1-расм. Сополимер присадка олиниш реакцияси.

Мономерлар дастлабки аралашмаси таркибининг ҳосил бўлаётган сополимерлар таркибига боғлиқлигини аниқлаш учун реакция сомономерларни ҳар хил моль нисбатларида олиб борилди (1-жадвал).

Кўришиб турибдики, дастлабки сомономерлар аралашмасида МХИПА мол миқдори ортиши билан реакция тезлиги ортади, буни МХИПА мономерининг активлиги билан изоҳлаш мумкин шунингдек синтез қилинган сополимерларнинг тавсифий қовушқоқлиги ҳам ортади. Бу боғлиқлик одатда акрил мономерларнинг радикал сополимерланишида кузатилади, улар реакция қобилияти билан винил қатори мономерларидан сезиларли даражада фарқ қилади. қилинган.

1-жадвал


МХИПА ва стиролни ДМФ эритувчиси муҳитида сополимерланиши (инициатор ДАК=5.10⁻³ моль/л, Т=60-80 °С, реакция вақти 120 мин)

| Дастлабки аралашма таркиби, % моль | | Азотни миқдори, % | Сополимер таркиби, % моль | | Характеристик қовушқоқлик $[\eta]$, дл/г |
|------------------------------------|----------------|-------------------|---------------------------|----------------|---|
| M ₁ | M ₂ | | M ₁ | M ₂ | |
| 10 | 90 | 1,220 | 18,40 | 81,60 | 0,17 |
| 20 | 80 | 2,197 | 34,70 | 65,30 | 0,28 |
| 30 | 70 | 3,085 | 46,50 | 53,50 | 0,35 |
| 50 | 50 | 4,444 | 66,95 | 33,05 | 0,47 |
| 70 | 30 | 5,477 | 82,56 | 17,44 | 0,55 |
| 80 | 20 | 5,907 | 89,03 | 10,97 | 0,69 |
| 90 | 10 | 6,290 | 94,80 | 5,200 | 0,74 |

МХИПА ва стиролни сополимерланишида азеотроп нукта ҳосил бўлиши кузатилмади. Бу боғлиқлик стиролдан ҳосил бўлган радикалга нисбатан азот- ва галогенсақлаган акрил кислотаси эфирларидан ҳосил


бўлган радикалларнинг фаоллиги сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатади.


N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стиролни сополимерланиш реакцияси тезлигига дастлабки аралашма таркиби таъсирини ўрганиш мақсадида реакция дастлабки мономерлар турли мол нисбатларда, 353 К ҳароратда, инициатор ДАК иштирокида диоксан эритувчисиди олиб борилди (2-расм).



2-расм. МХИПА ва стирол сополимери унумини турли дастлабки мономерлар нисбатида реакция давомийлигига боғлиқлиги: 1 - 90 : 10; 2 - 25 : 75; 3 - 50 : 50; 4 - 75 : 25; 5 - 90 : 10. [ДАК]= $3,79 \cdot 10^{-3}$ моль/л. Эритувчи диоксан. T=353 К.

2-расмдан кўриниб турибдики, реакция давомийлиги ортиши билан сополимер унуми ортади.





3-расм. МХИПА ва стирол сополимерлари унумини реакция давомийлигига боғлиқлиги. Мономерлар нисбати, моль.%: 1 - 10:90; 2 - 30:70; 3 - 50:50; 4 - 70:30; 5 - 90:10. Эритувчилар: диоксан (а), бензол (б), диметилформамид (в), диметилсульфоксид (г).

Олинган тажрибалар натижалари асосида аниқландики, дастлабки мономерлар аралашмасида N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат концентрацияси ортиши билан сополимерланиш тезлиги ортади. Реакция тезлигини ортишини қуйидагича изоҳлаш мумкин, инициирлаш босқичида азот сақлаган гуруҳи қатнашиб, занжирни узатилиш реакциясида радикаллар ҳосил бўлишини енгиллаштиради, натижада фаол марказлар миқдори кўпайиб сополимерланиш тезлиги ортади. Бунда сополимерлар эритмалари тавсифий қовушқоқлиги камаяди (3-расм).

Дастлабки мономерлар аралашмасида МХИПА миқдори ортиши билан сополимерлар эритмалари тавсифий қовушқоқлиги камайишини азотсақлаган акрил кислотаси эфирлари молекуласини занжир узулиши ва узатилиш босқичларида қатнашиши билан изоҳлаш мумкин.

Азот сақлақлаган акрил кислота эфири (МХИПА) ва стирол билан сополимерланиш реакцияси эритмасида ҳарорат 60 – 90 °С, инициатор (ДАК) диазомой кислотасининг динитрили 0,3-1,0 %, мономерларнинг 1:9 ва 9:1 гача бўлган нисбатларда бўлган миқдорлари сополимернинг унуми ва молекуляр массасига таъсири ўрганилди ва натижалар 2-жадвалда келтирилди. Жадвалдан кўришиб турибдики, сополимер таркибида мономерларнинг дастлабки аралашмасидаги мономерларнинг МХИПА ва стирол миқдорининг 1:9 ва 9:1 нисбатда олиб борилганда МХИПА мономерининг 1 – 4 нисбатгача бўлган қийматларида сополимернинг унуми ва молекуляр массасининг ортишига ва стирол билан 5 – 1 нисбатда бўлган сополимернинг молекуляр массаси камайишига олиб келди, бу стиролнинг юқори реакцион фаоллиги билан изоҳланади.

МХИПА ва стирол билан сополимерланиш кўрсаткичлари


| Сополимерланиш шароити | | | | Сополимерлар тавсифи | |
|------------------------|-------|--------|----------------------------|----------------------|----------|
| Ҳарорат °С | МХИПА | Стирол | Инициатор миқдори, % | Унуми, % | Унуми, % |
| 60 | 10 | 90 | 0,30 | 86,3 | 8000 |
| 65 | 20 | 80 | 0,40 | 89,5 | 8500 |
| 70 | 30 | 70 | 0,55 | 91,4 | 9000 |
| 70 | 40 | 60 | 0,60 | 93,5 | 9500 |
| 75 | 50 | 50 | 0,70 | 94,7 | 8700 |
| 75 | 60 | 40 | 0,75 | 92,5 | 8500 |
| 80 | 70 | 30 | 0,80 | 88,3 | 8000 |
| 85 | 80 | 20 | 0,90 | 87,1 | 7500 |
| 90 | 90 | 10 | 1,00 | 85,4 | 7000 |

Ҳароратнинг сополимерлар унуми ва молекуляр массасига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳароратнинг 60°C дан 90°C гача ўзгариши, сополимер унумига сезиларли таъсир қилмасдан молекуляр массанинг камайишига олиб келди. Бунда ҳароратнинг ортиши барча кимёвий реакцияларни, шу жумладан сополимерлар ҳосил бўлишида занжир ўсиш реакциясини тезлаштириши билан изоҳланади. Мономерлар аралашмасига инициатор концентрациясини 0,3-1,0% гача миқдорлари ўрганилганда, сополимерланиш реакциясига диазомой кислотанинг динитрилининг миқдори 0,7% дан ошиши сополимер молекуляр массасининг камайишига, аксинча унинг концентрациясининг камайиши эса сополимер унумини пасайишига олиб келади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики сополимер унумининг юқори қийматини таъминлайдиган оптимал шароит бу реакция ҳарорати - 70°C, стирол мономерининг улуши 50%, инициатор миқдори - 0,7%, вақт 3 соат давомийлигида олиб борилганда, сополимерланиш реакциясининг унуми 94,7 % бўлади.

Сополимерлар тузилиши ИҚ- спектроскопик тадқиқот усуллари асосида текширилди. Н-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва СТ сополимерининг ИК спектрларини таққослаш натижасида сополимернинг ИК спектрида унинг таркибида бўлган фрагментларга хос бўлган ютилиш частоталарини аниқ кўриш мумкин.

Сополимер таркибини ИҚ-спектрида -CH₃ (метил) симметрик валент тебраниш сигнали 2885-2860 см⁻¹ соҳада, -CH₂ (метен) симметрик валент тебраниш сигнали 2870-2845 см⁻¹ соҳада, -CH₂- деформатсион тебраниш сигнали 1475-1450 см⁻¹ соҳада, -C-CH кучли валент тебраниш сигнали 800-600 см⁻¹ соҳада, -C=O валент тебраниш сигнали 1775-1645 см⁻¹ соҳада, бензол ҳалқаси кучли валент тебраниш сигнали 877,91-1022,27 см⁻¹ соҳада, тебраниш

сигнали 3500-3100 см^{-1} соҳада бўлиб кучли иккита ютилиш сигналларига эга, стирол ароматик халқасидаги $\text{C}=\text{C}$ валент тебраниш частоталари мономер молекуласидаги ароматик валент тебраниш частоталари билан деярли бир хил соҳада намоён бўлади. Бундан ташқари сополимернинг ИҚ спектрида 700-800 см^{-1} оралиғида 2 та интенсив частота намоён бўлиб, бу частоталар стирол спектрида ҳам мавжуд эканлигидан далолат беради (4-расм).




4-расм. N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосида синтезланган сополимернинг ИҚ спектри

N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва метилакрилат асосида синтез қилинган сополимернинг ^1H -ЯМР спектри 5-расмда келтирилган. Сополимерга тегишли алкил, $-\text{CH}-$, $-\text{CONHR}_2-$, $-\text{COR}$, $-\text{OCOR}$, $-\text{Ar-H}$ ютулиш сигналларини борлиги 3-жадвалда келтирилди. N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат билан стирол ва метилакрил кислота сополимерлари эканлиги исботланди.

3-жадвал

ЯМР спектрал таҳлил натижалари

| Ютилиш сигналлари | Индукцион |
|-----------------------------|---|
| Ютилиш сигналлари 1.3 p.p.m | Алкил гуруҳига тегишли протон сигналлар мавжудлиги |
| Ютилиш сигналлари 2.1 p.p.m | CONHR ва C-N тегишли протон сигналлар мавжудлиги |
| Ютилиш сигналлари 2.4 p.p.m | COR ва CH тегишли протон сигналлар мавжудлиги |
| Ютилиш сигналлари 4.6 p.p.m | OCOR ва CH_2 гуруҳларига тегишли протон сигналлари мавжудлиги |
| Ютилиш сигналлари 7.3 p.p.m | Ar-H ароматик гуруҳга тегишли протон сигналлари мавжудлиги |




5- расм: Сополимернинг ^1H ЯМР спектроскопияси


Синтез қилинган N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат билан стирол ва метилакрилат асосидаги сополимерланинг дизел ёқилғисига таъсир механизмини оптик, поляризацион микроскоп ва Chem-3G дастури ёрдамида n-парафин кристалларининг пайдо бўлишини, уларнинг ўсишини, бирлашишини ва кристалли рамка ҳосил бўлишини юзасидан тадқиқот ўтказилди. Намуна сифатида гидротозаланган присадкасиз ва присадкали дизел ёқилғисини дастлаб 5-8 дақиқа давомида $60-75^\circ\text{C}$ гача қиздириб ва $5-15^\circ\text{C}$ совитилган ҳолда микроскопнинг пастки қисмидаги махсус шиша пластинкасига томизилди ва микроскопнинг махсус доира шаклдаги идишида $5-15^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида ва $200 - 1\ \mu\text{m}$ ўлчамдаги ҳолатини кузатдик. Синтез қилинган присадкалар 0,1 дан -0,3% гача оширилганда юқори депрессорлик хусусиятини намоён қилган ҳолда n-парафин углеводородларнинг кристал ҳосил бўлиш тезлигини нолга тушганини кўришимиз мумкин. Присадкали ва присадкасиз дизел ёқилғисида сополимерларнинг турли хил ҳароратларда оптик микроскоп ёрдамида n-парафин углеводородларининг таъсир ўзгаришлари ҳамда морфологиясини ўрганимиз. Шундай қилиб гидротозаланган дизел ёқилғисида депрессор присадкалар бўлмаганда n-парафинлар углеводородлари пластинкасимон шаклдаги агрегатлар кристаллари ҳосил бўлиши билан кристалланади. Совуқ шароитда дизел ёқилғисига депрессор присадка қўшилганда n-парафин углеводородлари дисперсиясига олиб келади.

Гидротозаланган дизел ёқилғисининг присадкасиз ва присадкали намуналарида n-парафинларнинг морфологик ўзгаришлари оптик микроскопда 1 ва $200\ \mu\text{m}$ ўлчамларда ўрганилди.


Дизел ёқилғисининг присадкасиз ва присадкали намуналарида n-парафинларнинг морфологик ўзгаришлари оптик микроскопия усулида 1 ва $200\ \mu\text{m}$ ўлчамларда ўрганилди ва 6 – расмда келтирилди.




Присадкасиз дизел ёқилғиси



0,1 %



0,2 %



0,3%

6-расм. Присадкали ва присадкасиз дизел ёқилғисининг кўриниши

нинг кенг ўсишини блокировка қилиши ва кристаллар орасидаги бирлашиш кучларни тўхтатиб уч ўлчовли фазовий тўрларни ҳосил қилиш имкониятини камайтиради. Синтез қилинган присадкаларни дизел ёқилғисининг давлат станлартларига (O`zDSt 989:2001) мувофиқ синов тажрибалари ўтказилди ва натижалар 4-жадвалда келтирилди.

Шундай қилиб дизел ёқилғисида депрессор самарадорлиги присадканинг таркиби ва тузулишига боғлиқ. Синтез қилинган N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат билан стирол ва метилакрилат асосидаги сополимерланинг ҳа ҳарорат пасайганда дизел ёқилғисидаги н-парафин углеводородларига ҳосил бўладиган кристаллар сиртини ўзгаришини адсорбция ёки сокристалланиш йўли билан содир бўлиши билан тушунтириш мумкин. Ҳарорат пасайганда н-парафин углеводородлар пластик ва игнасимон каркас ҳосил қилган ҳолда кристалланиб лойқаланади ва чўка бошлайди. Сополимерлар депрессор присадка сифатида қўшилганда парафин кристалларнинг ҳажми ва шакли ўзгарганлиги ва н-парафин молекулалари бирлашишига тўсқинлик қилади. Бу депрессор присадканинг куртакланиш маркази ҳосил бўлиши ва кристалларнинг бир-бирига бирикиб ўсишни тўхтатувчи вазифасини бажаради деб изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга сополимер таркибидаги тўйинган узун алкил занжири углеводородлар парафин углеводородларини адсорбция лаши, парафин матрицаларининг

4-жадвал


Гидротозаланган дизел ёқилғисига 0,3 % присадкалар эритмасини қўшилганда O`zDSt 989:2001 стандарт асосида ёқилғининг физик – кимёвий кўрсаткичларига таъсири

| Кўрсаткичлар номи | Назорат усули | Присадкасиз дизел ёқилғиси | МЗТ | | |
|---|---------------|----------------------------|-------------------|------------------|--|
| | | | МХИПА:МАК (0,3) % | МХИПА:СТ (0,3) % | Норма учун русум O`zDSt 989:2001 (3-1) |
| Цетан сони, кам эмас: | ГОСТ 3122 | 53,5 | 51,0 | 52,5 | 50 |
| 20 °С зичлиги, кг/м ³ , кўп эмас: | ГОСТ 3900 | 860 | 835 | 820 | 863,4 |
| Фракцион таркиб: хароратда 50% ҳайдаш, °С, кўп эмас: хароратда 95% ҳайдаш, °С, кўп эмас: | ГОСТ 2177 | 262 | 255 | 260 | 280 |
| | | 346 | 345 | 340 | 360 |
| Сув миқдори,% | ГОСТ 2477 | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас |
| Йод сони, 100 г ёқилғида, г, кўп эмас: | ГОСТ 2070 | 1,47 | 1,45 | 1,25 | 5 |
| 10 % қолдиқда кокс ҳажми, кўп эмас: | АСТМ Д 4530 | 0,20 | 0,018 | 0,01 | 0,20 |
| Кул миқдори, % (масса улушида), кўп эмас: | ГОСТ 1461 | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас | 0,01 |
| Олтингурут миқдори % (масса улушида), ёқилғида, кўп эмас: I - тур | ГОСТ 19121 | 0,2 | 0,15 | 0,10 | 0,100 |
| Меркаптанли олтингурут миқдори %,кўп эмас | ГОСТ 17523 | 0,01 | 0,0020 | 0,0015 | 0,01 |
| Водород сульфид миқдори,% | АСТМ Д 3227 | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас |
| Коррозияни мис пластинкасида синаш | АСТМ Д 130 | I синфга бардош беради | бардош беради | бардош беради | бардош беради |
| Сувда эрийдиган кислота ва ишқор миқдори | ГОСТ 6307 | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас |
| 20 °С кинематик қовушқоқлиги, мм ² /с, орасида | ГОСТ 31391 | 4,8 | 4,6 | 3,8 | 3,0-6,0 |
| Кислоталилик, мг, КОН 100 см ³ ёқилғида, кўп эмас | ГОСТ 5985 | 0,25 | 0,2 | 0,1 | 5 |
| Ёпиқ тигелда чакнаш харорати, °С, кам эмас: -- газ турбиналари ва тепловоз ва кема дизеллари учун | ГОСТ 6356 | 55 | 49 | 53 | 62 |
| Механик заррачалар, %, кўп эмас | ГОСТ 6370 | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас |
| Умумий смола коңсентратсияси, 100 см ³ ёқилғида мг, кўп эмас | ГОСТ 8489 | мавжуд эмас | мавжуд эмас | мавжуд эмас | 40 |
| Қотиш харорати, °С юқори эмас: | ГОСТ 20287 | минус 10 | минус 25 | минус 26 | -25 |
| Лойқаланиш харорати, °С юқори эмас: | ГОСТ 5066 | минус 5 | минус 6 | минус 6 | -5 |

Шундай қилиб, жадвалдан кўриниб турибдики, гидротозаланган дизел ёқилғисига 0,3 % присадкалар эритмасидан қўшилганда ёқилғининг қуйи

ҳароратли хоссаларини яхшилаган ҳолда, асосий физик – кимёвий кўрсаткичлари таъсир этмайди ва O'zDst 989:2010 техник талабларига тулиқ жавоб берди. Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки синтез қилинган N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат стирол ва метилакрилат асосида сополимер юқори депрессорлик хусусиятини намоён қилиб дизел ёқилғисининг лойқаланиш ҳароратини -8 дан -12 гача, қотиш ҳароратини -10 °C дан -25 °C гача яхшилашга эришилди (4 – жадвал) ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг амалиётга жорий қилинадиган истиқболли режалар руйхатига киритилган.

Диссертациянинг тўртинчи “N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосида присадкалар олиш технологияси ва иқтисодий самарадорлик” бобида дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратдаги хоссаларини яхшиловчи присадкаларнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган ва изоҳланган (7-расм).



7-расм. Дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратдаги хоссаларини яхшиловчи присадкаларни олишнинг узлуксиз принципаиал технологик схемаси.

1-хлоргидринлаш реактори; 2,7,12,14-марказдан қочма насослар; 3,9,10,17-иссиқлик алмаштиргичлар; 4,11-буғли қиздиргичлар; 5,15-колонналар; 6,18-сувли совутгичлар; 8,16-ребойлерлар; 13-этерификациялаш реактори; 19-сополимерлаш реактори; 20-поршенли насос; 21-аралаштиргич; 22-тиндиргич аралаштиргич; 23-бурғули узатгич; 24-лентали куритгич.

I-морфолин, II-эпихлоргидрин, III-дистилланган сув, IV-ресеркулят эпихлоргидрин, V-совитувчи агент-аммиак, VI-иситувчи агент буғ, VII-техник-сув, VIII-акрил кислота, IX-иссиқ сув, X-ресеркулят акрил кислота, XI-стирол, XII-ДАК, XIII-эритувчи ДМФ, XIV-ацетон, XV-ацетон+ДМФ аралашмаси, XVI-курутувчи агент, XVII-курутувчи агент+ацетон+ДМФ, XVIII-тайёр маҳсулот, присадка.

Технологик жараён асосий тўрт босқичдан иборат:

-дастлаб биринчи босқичда 1-реакторда -3°C ҳароратда морфолин эпихлоргидрин ва сув ўзаро реакцияси натижасида 10 соат давомида амин спирт олинади;

-кейинги босқич 13-реакторда олинган амин спирт ва акрил кислота билан этерификация жараёни орқали мураккаб эфир олинади. Бунда этерификация жараёни реакторининг ташқи қобуғидан иссиқ сув юбориш орқали 60°C ҳароратда 3 соат давомида аралаштириб турган ҳолда амалга оширилади. Бу ерда N-морфолин 3-хлоризопропилакрилат дастлабки мономеримиз ҳосил бўлади;

-сўнгра 19-реакторга N-морфолин 3-хлоризопропилакрилат ва стиролни сополимерлаш жараёни 75°C ҳароратда аралаштириб турган ҳолда эритувчи муҳитида олиб борилади;

-охирги босқичда олинган сополимер таркибидан эритувчиларни ажратиш, қуритиш ва присадка олишдан иборат.

Шундай қилиб ушбу технологик схемада депрессор присадка олишнинг узулксиз ишлаб чиқариш жараёни батафсил изоҳланган

ХУЛОСА

1. N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стиролни сополимерланиш жараёнига турли омиллар, жумладан мономерларнинг моль нисбати, ҳарорат ва инициатор концентрацияси таъсири тадқиқ қилинди. Олинган натижалар асосида жараёнида ҳарорат 75°C , стиролнинг миқдори 50%, инициатор миқдори 0,5 % га тенг бўлганда сополимер унуми 94,7 % га эга эканлиги аниқланди.

2. Поляризацион микроскоп ёрдамида синтез қилинган сополимернинг дизел ёқилғиси таркибидаги n-парафинларнинг морфологиясига таъсири ўрганилди ва унинг тузулиши, молекуляр массасини аниқлаш орқали депрессор присадка турига мансублиги аниқланди.

3. N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосида олинган янги присадканинг физик-кимёвий ва техник хусусиятларини амалда қўлланилаётган хорижий депрессант присадкалар аналоглари билан таққослаш орқали, унинг қуйи ҳароратли хусусиятлари яхшиланганлиги кўрсатилган.

4. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи гидротозаланган дизель ёқилғисига олинган сополимер присадканинг 0,3% ли эритмаси қўшилганда, ёқилғининг қотиш ҳароратини -14 дан -25 гача, филтрланиш чегаравий ҳароратини -10 дан -23 гача камайтириши кузатилган ва ушбу олинган натижалар O`z DTs 982:2010 стандартига тўлиқ жавоб беришини инобатга олган ҳолда амалиётга тадбиқ этишга тавсия этилган.

5. Дизел ёқилғисининг қуйи ҳароратли хоссаларини яхшиловчи N-морфолин-3-хлоризопропилакрилат ва стирол асосида сополимер присадкалар олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

6. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи шароитида депрессор присадканинг бир тоннасини ишлаб чиқариш калькуляциясига (2022 йил октябр ойи) кўра таннарни 76 234 701 сўмни ташкил этган ва иқтисодий самарадорлик йилига 415 061 196 сўмни ташкил этиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

САИДОВ ЖАХОНГИР ЭГАМБЕРДИЕВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ДЕПРЕССОРНОЙ ПРИСАДКИ НА
ОСНОВЕ ЭПИХЛОРИДРИНА И ГЕТЕРОЦИКЛИЧЕСКИХ
СОЕДИНЕНИЙ**

02.00.08 – Химия и технология нефти и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2022.1.PhD/T1512.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени И.Каримова.

Афтореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bmti.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|------------------------|--|
| Научный руководитель: | Улугбек Камилжанович доктор технических наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Абдурахманов Олим Рустамович доктор технических наук, профессор Азимова Шодияхон Абраровна доктор философии по техническим наукам, (PhD) |
| Ведущая организация: | АО "O'ZLITINEFTGAZ" |

Защита диссертация состоится «13» марта 2023 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета по присуждению учёных степеней DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте (Адрес: 200100, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15). Тел: (+99895) 604-44-70, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технического института (зарегистрировано за № 421), с которой можно ознакомиться в ИРЦ (200117..г.Буара, ул. К муртазаева, 15. Тел: (+99895)6044470, факс: (+99865)223-7884,

Афтореферат диссертации разослан «01» марта 2023 года.
(реестр протокола рассылки №2 от. «12» января 2023 года).



Н.Р. Баракаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., с.н.с.

Х.Б. Дустов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире постоянное увеличение спроса на моторное топливо и его качество, а также ужесточение экологических требований требуют совершенствования, технико-технологического перевооружения и модернизации нефтегазовой отрасли. Рациональное использование горюче-смазочных материалов, повышение их качества и расширение ресурсов считаются одной из основных задач современной нефтеперерабатывающей и нефтехимической промышленности. Соответственно большое значение в повышении качества нефтепродуктов, а также в улучшении их экологических и эксплуатационных свойств имеет использование присадок.

Сегодня за рубежом в целях повышения качества продуктов, получаемых в результате первичной и вторичной глубокой переработки нефти, создания новых методов и технологий получения альтернативных и синтетических топлив, обеспечения соблюдения экологических требований ведутся исследования по производству различных компаундов и их композиций, а также по модернизации существующих технологий.

В связи с этим особое внимание уделяется созданию современных высокоэффективных способов и устройств получения присадок, улучшающих физико-химические и эксплуатационные свойства дизельных топлив с использованием существующих вторичных источников топлива.

В нашей республике также достигаются значительные результаты при получении присадок, улучшающих качество топлив. Ведутся исследования по получению высокоэффективных присадок, улучшающих эксплуатационные свойства дизельного топлива, созданию новых составов и развитию их научно-технической базы. В стратегии развития Нового Узбекистана определены такие задачи, как «широкое внедрение инноваций в экономику, развитие кооперационных связей промышленных предприятий и научных учреждений». С этой точки зрения, для обеспечения автомобильного транспорта качественным топливом важно повысить качество производимого в нашей стране дизельного топлива до требований экологических норм ЕВРО-5, производить и внедрять присадки, улучшающие экологические и эксплуатационные свойства топлива и замещающие импорт на основе местного сырья.

Постановление Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»¹, ПП-2614 от 28 сентября 2016 года «Направлено на экспорт на основе глубокой переработки углеводородного сырья в 2016-2020 гг. Выполнение задач, указанных в Решениях о мерах по увеличению производства готовой

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

